



ЖУМА МАВЪИЗАСИ
“02” декабрь, 2016 йил

Усмонхон АЛИМОВ
“02”, Рабиул аввал 1438 ҳ.й.

АСОСИЙ ҚОНУН-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ МЕЗОНИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Мухтарам жамоат! Мустақиллик туфайли халқимиз кўп нарсага эришди. Буни кўрмаслик, ҳис этмаслик, қадрига етмаслик мумкин эмас. Истиқлол йилларида юртимизда барча соҳалар қатори Ислом дини равнақи учун ҳам кенг имкониятлар очилди. Барча исломий қадриятлар – масжид ва мадрасаларнинг бинолари, нодир тарихий манбалар, осори атиқалар мусулмонларга қайтариб берилди. Уларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари, диний таълим олишлари, диний адабиётлар ва оммавий ахборот воситаларидан баҳраманд бўлишлари, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам қилиб кенг нишонлашлари, ҳаж ва умра зиёратларини амалга оширишлари учун қулай шароитлар яратилди.

Албатта, бу каби ўзгариш ва янгиланишлар замирида Конституциямиз муҳим ўрин эгаллайди. Шу кунларда юртимизда Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 24 йиллиги кенг нишонланмоқда. Дарҳақиқат, бахт-саодатимиз гарови бўлган Конституциямиз 1992 йил, 8-декабрда қабул қилинган.

Қомусимиз ҳақида сўз кетганида, унда халқимизга хос урф-одат, имон-эътиқод, инсоф ва диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат каби самимий инсоний фазилатлар ўз аксини топганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Диёримизнинг барча ҳудудларида яшовчи фуқаролар, хусусан, мўмин-мусулмонлар ҳам ушбу Қомусда белгилаб қўйилган барча ҳақ-ҳуқуқлар ва эркинликлардан кенг маънода фойдаланмоқдалар.

Мухтарам жамоат! Динимизда инсон, унинг шаъни, ҳаёт тарзи алоҳида улуғланади. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Бақара сурасида шундай марҳамат қилади:

لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيِّ فَمَنْ يَكْفُرْ بِالطَّاغُوتِ وَيُؤْمِنْ بِاللَّهِ فَقَدْ
اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ لَا انفِصَامَ لَهَا وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ (سورة البقرة/256)

яъни: "Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди. Бас, ким шайтонни (ёхуд бутларни) инкор этиб, Аллоҳга имон келтирса, демак, у бузилмас, ишончли халқани тутибди. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир" (Бақара сураси, 256-оят).

Аллоҳ таоло инсон наслини шарафлади, унга беҳисоб неъматлар, яхшиликлар ато этди, бошқа мавжудотларга бермаган фазилатларни айнан одамга хослади. Қуръони каримнинг Исро сурасида:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ

عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا ﴿٧٠﴾ (سورة الإسراء/70)

яъни: “Дархақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик”.

Худди шунингдек, бу ҳолат Қонунимизда ҳам ўз аксини топган. Унда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бир қаторда Виждон эркинлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, кишиларнинг бир динга эътиқод қилиши ёки қилмаслиги, диний эътиқоди учун таъқиб қилинмаслиги, барча дин вакиллари тенг ҳуқуқлилиги кафолатланган. Масалан, Конституциянинг 31-моддасида “*Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди*”, деб белгилаб қўйилган.

Ислом таълимотига кўра инсоннинг ўз хоҳиши билан эътиқод қиладиган илоҳий кўрсатмалар, амаллар мажмуидир. Ислом дини бирор инсонни динга зўрлаб киритишга, ўз эътиқодини бошқаларнинг хоҳиш-иродасига қарши ўлароқ тикиштиришга йўл қўймайди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

وَلَوْ شَاءَ رَبُّكَ لَأَمَنَّ مَنْ فِي الْأَرْضِ كُلَّهُمْ جَمِيعًا أَفَأَنْتَ تُكْرَهُ النَّاسَ حَتَّىٰ يَكُونُوا

مُؤْمِنِينَ ﴿٩٩﴾ (سورة يونس/99)

яъни: “Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми”?!“

Албатта, бу каби моддалар сизу бизнинг озод ва обод Ватанда эмин-эркин ибодат қилишимизга хизмат қилса, Қомусимизнинг бошқа моддалари ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир фаолият учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунимизда белгилаб қўйилганидек, давлат барча фуқароларга меҳнат қилиш, илм олиш, ўзлари хоҳлаган касб-ҳунур эгаллаш, билим савиясини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш кафолатини ҳам олган.

Бугун, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олийжаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб

ўстириш, уларнинг бахт-саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассам. Чиндан ҳам, Асосий Қонунимиз ана шу улуғвор мақсад ва интилишларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосидир.

Мухтарам намозхонлар! Қонунимизнинг яна бир жиҳати унинг бағрикенглик тамойилларини ўзида тўла акс эттирганлигидир. Маълумки, Мамлакатимиз тарихан кўп миллатли ўлка бўлганлиги туфайли бу заминда турли-туман дин вакилларининг эмин-эркин яшашлари учун барча шароитлар яратилган. Юртимизда бошқа ташкилотлар қатори диний жамоалар ҳам жамият тараққиётида тоборо фаол иштирок этиб, халқимизнинг маънавияти ва қадриятини тиклаш, ўзлигимизни англаш, энг асосийси, мустақиллигимизнинг мустаҳкам ва боқий бўлишига ҳиссаларини қўшмоқдалар. Юртимиз мусулмонлари бошқа динларнинг вакиллари билан биргаликда ягона мақсад – Ватанимиз Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши йўлида ҳаракат қилмоқдалар.

Аллоҳ таоло Қуръони карим оятларида мусулмонларни ўз диндош биродарларига ва барча инсон зотига яхшилик, меҳр-мурувват қилишга чорлаш билан бир қаторда ўзаро тинчлик ва тотувликда бўлган бошқа дин соҳибларига ҳам яхшилик ва меҳр-шафқатда бўлишларини истаган ҳолда бундай дейди:

لَا يَنْهَاكُمُ اللَّهُ عَنِ الدِّينِ لَمْ يُقَاتِلُوكُمْ فِي الدِّينِ وَلَمْ يُخْرِجُوكُمْ مِنْ دِيَارِكُمْ أَنْ تَبَرُّوهُمْ
وَتُقْسِطُوا إِلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ ﴿8﴾ (سورة الممتحنة/8)

яъни: “Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар” (Мумтахана сураси 8-оят).

Азиз биродарлар! Барчамизга яхши маълумки, 2016 йил 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунидир. Асосий қомусимиз барчамизни жамиятимиз, давлатимиз юртбошчиси бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентига овоз бериш имкониятини берган.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, биринчи Президентимиз бошлаган ишларни охирига етказадиган, эл-юрт тинчлигини ва халқ фаровонлигини янада яхшилаш йўлида хизмат қиладиган муносиб номзодга овоз берайлик.

Жорий йилнинг 4 декабрь якшанба куни бўладиган сайловга фаол иштирок этайлик!

Мухтарам жамоат! Яратганнинг Ўзидан азиз Ватанимиз ва унинг меҳнатсевар, илмли ва ихлосли халқини тинчлик, омонликда бўлишини сўраб дуолар қиламиз.

Яратган Парвардигор барчаларимизни Ўзининг рушду ҳидоятида собитқадам қилган ҳолда, розилигига эришган бандаларидан бўлишимизни насиб айласин! Омин.